

Сийрат дарслари (117-дарс). Бирортангиз жума куни рўза тутмасин...



14:00 / 01.01.2021 3796

456. Нубайша Ҳузалий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ташриқ кунлари еб-ичиш ва Аллоҳнинг зикри кунларидир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

457. Умму Ҳонеънинг мавлоси Абу Муррадан ривоят қилинади:

«У Абдуллоҳ ибн Амр билан унинг отаси Амр ибн Оснинг олдига кирди. Шунда у (Амр ибн Ос) икковига таом қўйди ва (Абу Муррага) «Е», деди. «Мен рўзадорман», деди у. Шунда Амр: «Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга бу кунлари оғзимиз очиқ юришга буюрар ва уларда рўза тутишдан қайтарар эдилар», деди».

Абу Довуд ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.

458. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз Рамазондан бир-икки кун олдин рўза тутмасин. Фақат бир кишининг одатидаги рўза бўлса, ўшани тутсин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

459. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Бирортангиз жума куни рўза тутмасин. Фақат ундан олдин ёки кейин тутсангиз, майли»**, деяётганларини эшитдим».

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Кечалар ичида жума кечасини бедорликка хосламанглар. Кунлардан жума кунини рўза тутишга хос қилманглар. Фақат бирингизнинг рўза тутадиган кунингиз бўлса, майли», дейилган.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан